



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 15 июль, № 145 (8488)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ЛАВОЗИМИГА КИРИШДИ

14 июль куни Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида, Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Унда депутат ва сенаторлар, давлат ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус ва жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев очиб, Президент сайлови янгиланган Конституциямиз ва демократик таъминотлар асосида, сиёсий фаоллик муҳитида ўтганини таъкидлади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчиларнинг 87,05 фоиз овози билан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганини қайд этди. Шу муносабат билан Шавкат Мирзиёевни қизгин табриклаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қилди.

Маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади.

— Бугун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман. Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўп миллатли, мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон янги даврга қадам қўяётгани, у сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлажаги таъкидланди. Бунинг учун янги ғоя ва ташаббуслар, аввалгидан-да кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлаш керак.

Дунёдаги зиддиятлар иқтисодийёт учун муаммолар келтириб чиқармоқда. Иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани ҳам барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни — самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ белгилаб олиш ва уни

қатъий амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Президент шу борадаги келгуси етти йилга мўлжалланган стратегик максадларни кўрсатиб ўтди. Қисқа қилиб айтганда, булар — қонунчилик ва ижро ҳокимиятини такомиллаштириш, ихчам ва самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, ижтимоий соҳа ва хизматларни ривожлантириш, тадбиркорликка имкониятларни кенгайтириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадларини кўпайтириш қабилидир.

Иқтисодийёт соҳасида “яшил иқтисодийёт”, “яшил энергия” таъминоти янада кенг жорий этилади. Инвестициялар жалб қилиш кўпайтирилади. Саноат ривожлантирилади. 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш максад қилинган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ёшларга алоҳида мурожаат қилди.

— Азиз ўғил-қизларим, бугун тарихнинг ўзи, замоннинг ўзи сизларнинг олдингизда беқиёс имкониятлар очмоқда. Сизлар Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган буюк ишларни амалга оширишга қодирсиз, — деди Шавкат Мирзиёев.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК ИШОНЧINI ОҚЛАШ, ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗНИ ЯНГИ, ЯНАДА УЛКАН НАТИЖАЛАР БИЛАН МУСТАҚКАМЛАШ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи.

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли Сенат аъзолари!
Хурматли Қонунчилик палатаси депутатлари!

Хорижий дипломатик корпус вакиллари!
Хонимлар ва жаноблар!
Мана шу тарихий ва ҳаяжонли дақиқаларда, аввало, менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаган барча юртдошларимга яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Муқаддас Ватанимиз тимсоли ва

мустақиллигимиз рамзи бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман.

Азиз дўстлар!
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланишимни мен инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, халқ манфаатини таъминлашга қаратилган сиёсатимизнинг яна бир юксак эътирофи сифатида қабул қиламан.

Бўлиб ўтган Президент сайлови янгиланган Конституциямиз асосида

ўтказилгани унга чинакам халқчил рух ва мазмун бағишлади. Ушбу сайловда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириб, Янги Ўзбекистон учун овоз берди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва масъулиятли бу сиёсий жараён эл-юртимиз билан биргаликда талланган ва амалга ошираётган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини яна бир марта тасдиқлади.

Сайловда 15 та халқроқ ташкилотдан 466 нафар, 47 та хорижий давлатдан 331 нафар вакил халқроқ кузатувчи

сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1400 нафар маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнларини атрафлича ёритиб борди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узок муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнларини бевосита кузатиб борди.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилотидан ҳам

кузатувчилар иштирок этди. Буларнинг барчаси ушбу сайлов жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади.

Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқроқ тамойиллар асосида, эркин ва демократик, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида, очкилик ва шаффофлик руҳида ўтганини эътироф этдилар. Бу, ўз навбатида, барчамизни бирлаштириб, ўз куч ва имкониятимизга бўлган ишончимиз, халқимиз, Ватанимиз олдидаги масъулиятимизни янада ошириши табиий, албатта.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига 9 июль куни бўлиб ўтган муддатидан илгари сайловдаги ишончли ғалабаси ва лавозимига киришгани муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат етакчилари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, етакчи халқроқ ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келишда давом этмоқда.

Хорижий ҳамкорлар қайд этганидек, мамлакатимизда ўтган умумхалқ сайлови Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орта қайтмас ислохотлар дастури ҳамда давлатимиз халқроқ нуфузини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг набатдаги тасдиғи бўлди.

Қутловларда мамлакатимиз билан дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлиқни ҳар томонлама мустақкамлашга интилиш қатъий экани алоҳида таъкидланиб, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва равнақ тилаклари изхор этилган.

Қуйидагилар ўз табриқларини йўлаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**,

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**,

Қозғоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**,

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**,

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**,

Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**,

Туркман халқининг Миллий етакчиси, Туркменистон Халқ

Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**,

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**,

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**,

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**,

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх

Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён,

Қатар Амири Давлати Шайх **Тамим бин Ҳамад Ол Соний**,

Ҳиндистон Республикаси Президенти **Драупади Мурму**,

Эрон Ислон Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**,

Покистон Ислон Республикаси Бош вазири **Шаҳбоз Шариф**,

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик**,

Корея Республикаси Президенти **Юн Сок Ёль**,

Италия Республикаси Президенти **Сержо Маттарелла**,

Венгрия Президенти **Каталин Новак**,

Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан**,

Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**,

Сингапур Республикаси Президенти **Халима Якуб**,

Фаластин Давлати Президенти **Махмуд Аббос**,

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,

Бош вазири Шайх **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**,

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,

Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича

вазири Шайх **Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**,

Қатар Давлати Амири ўринбосари Шайх

Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний,

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби

Кубаничбек Омуралиев,

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош котиби **Сергей Лебедев**,

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**,

Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби **Зураб Пололикашвили**,

Евроосиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси

Михаил Мясникович,

Кўрфаз араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби

Жасим Муҳаммад ал-Будайвий,

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти

Цзин Лицзюнь.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ифтихор

МИЛЛАТ ҒАЛАБАСИ

Муҳтарам Президент, ғалабалар муборак!

Қўллаб қичди Сизни халқ — бутун эл-юрт муштарак.

Янги Ўзбекистон ўз иродасин кўрсатди:

Бутун миллат, мамлакат ўз отасин кўрсатди.

Ўзингиз айтгандайин: дунё — кураш майдони,

Курашсиз ўтмас инсон ҳаётининг ҳар они.

Бутун умр халқ учун бағрингизни тилдингиз,

Бутун умр, бир умр Сиз курашиб келдингиз.

Ҳар бир овоз, ҳар имзо миллатнинг ўзига тенг,

Ғалабалар муборак, муҳтарам Президент!

Адоватли дунёда, рақобатли дунёда,

Дўстлар кўп деймиз, аммо душманлар ҳам зиёда.

Ватан билан, халқ билан сингиб ўтмоқ осонмас,

Забардаст рақибларни енгиб ўтмоқ осонмас.

Эл-юртга қутлуг кунлар, арафалар муборак,

Муҳтарам Президент, ғалабалар муборак!

Кўргандингиз бир пайтлар ағёрларнинг талошин,

Бир тунда олгангилар “Султон Улуғбек” бошин.

Фосику фосидларни жойида қантаргансиз,

Олтин бошни тонг отмай жойига қайтарган — Сиз.

Ҳайкалларда ҳам гўё уриб кетгандай юрак,

Муҳтарам Президент, ғалабалар муборак!

Бир тонгда уйғонди-ку бутун миллат, бутун халқ,

Бутун миллат, бутун халқ мисли уйғоқ яхлит қалб.

Миллён-миллён қаптарлар гўё қилди парвозлар.

Юрт осмонинг тўлдирди миллён-миллён овозлар.

Ҳар ўзбекнинг уйида ризқ-рўзи бутлуг бўлсин,

Муҳтарам Президент, зафарлар қутлуг бўлсин!

Ватан тонги бошланар тонгги хушхабарлардан:

Миллат миллат бўлғайдир шундайин зафарлардан.

Халқдир ҳар ота-она, ҳар устоз, ҳар талаба —

Бу курашда халқ енгди, миллат қилди ғалаба.

Эл-юртга қутлуг кунлар, арафалар муборак,

Муҳтарам Президент, ғалабалар муборак!

Ўзингиз айтган сўзлар: берай жону танимни,

Балою қазолардан асрагил Ватанимни!

Бутун халқнинг тилида оналарнинг дуоси:

Дунё тургунча турсин шу элнинг Раҳнамоси!

Эл-юртга қутлуг кунлар, арафалар муборак,

Муҳтарам Президент, ғалабалар муборак!

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Халқ сўзи

Халқимизнинг юксак ишончини оқлаш, эришган ютуқларимизни янги, янада улкан натижалар билан мустаҳкамлаш – бош вазифамиз

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи.

 Хурматли тантанали маросим қатнашчилари!

Олийжаноб ва бағрикенг халқимиз менга яна бир бор катта ишонч билдириб, буюк Ватанимиз тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммамга олиш имконини берганини шу ҳаяжонли лаҳзаларда янада чуқур англаб, қалбим чексиз гурур ва ифтихор туйғуларига тўлмоқда.

Шу билан бирга, бугун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман.

Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўп миллатли, мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампанияси давомида асосий таянчим бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари ва фаолларига, биз билан ҳамфикр бўлиб, номзодимни қўллаб-қувватлаган "Миллий тикланиш" демократик партияси вакилларига, барча тарафдорларим ҳамда ишончли вакилларимга чин қалбимдан ташаккур айтаман.

Сайловда муносиб иштирок этган "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод — Робохон Махмудовага, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — Улугбек Иноятговга, Ўзбекистон Экологик партиясидан — Абдушукур Ҳамзаевга алоҳида миннатдорлик билдириб, уларнинг келгуси ишларига ютук ва омадлар тилайман.

Албатта, биз турли сиёсий партияларга мансуб бўлишимиз, турли ғоя ва қарашлар тарафдори бўлишимиз мумкин. Демократия дегани ҳам аслида шу. Аммо моҳият эътибори билан қараганда, барчамизнинг, бутун Ўзбекистон халқининг мақсади бир. Бизнинг барчамизни Ватан, эл-юрт манфаати бирлаштиради.

Шу сабабли биз сайловда қатнашган партияларимиз дастурларидаги энг муҳим фикрлар ва амалий тақлифларни келгуси фаолиятимизда, албатта, эътиборга оламиз. Барчамиз Янги Ўзбекистон деган ягона ва улуг мақсад атрофида янада жипслашиб, халқимизнинг орзу-армони бўлган мана шу эзгу ғояни амалга ошириш йўлида ҳамкорлик қиламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун, ушбу тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчиларига, барча туман ва шаҳарларимиз, қишлоқ ва овулларимиз аҳолисига, юртимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган маҳалла фаолларига, фуқаролик институти вакилларига, ҳаётимизнинг нуру зиёси бўлган азиз фохрийларимизга, жамиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келаётган кадрли опа-сингилларимизга, келажагимиз эгалари — навқирон ёш авлодимизга, суюкли ўғил-қизларимга, чет элларда таълим олиб, меҳнат қилаётган, Ватан меҳри билан яшаётган барча ватандошларимизга чин юракдан ташаккур билдираман.

Айни вақтда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда фидоқорона меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, бунёдкор курувчиларимизга, фидойи устоз ва мураббийларга, илм-фан, ижод ва санъат ахлига, муҳтарам улаомларимизга, аҳоли саломамлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тиббиёт ходимларига, дунёдаги энг улуғ ва шарафли вазифани адо этаётган жасур ҳарбийларимизга, барча Ватан химоячиларига, жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтараётган матонатли спортчиларимизга алоҳида раҳмат айтаман.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, маҳаллий ҳокимлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги элчиларимизга, дипломатик ваколатхоналаримиз ходимларига, сайлов жараёнларига қатнашган маҳаллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситалари вакилларига, журналист ва блогерларга самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан самимий табрикларини йўлаган мамлакатимизнинг барча фуқароларига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур эҳтиромимни билдираман.

Кадрли ватандошлар!

Халқимизнинг бизга билдирган юксак ишончи барчамиздан — депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юрtdошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч қарра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этади.

Шу маънода, олдимизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлади. Кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қонқитирмайди.

Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади.

Ўзингиз қўриб турибсиз, бугун дунё қандай шиддат билан, кескин ўзгариб бормоқда. Жаҳон микёсида бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда. Айни вақтда олдиндан таҳлил қилиб бўлмайдиган жараёнлардан иборат ўта мураккаб янги бир давр бошланмоқда.

Ер юзининг турли минтақаларида давом этаётган кулолли моҳаролар глобал тинчлик ва осийшталликка жиҳдий путур етказмоқда. Бундай низо ва тўқнашувлар, шафқатсиз рақобат савдо ва инвестиция оқимларини, товар ва хизматлар айланишини издан чиқариб, озик-овқат ва энергетика хавфсизлиги бўйича янги муаммолар келтириб чиқармоқда.

Дунё микёсида иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани ҳам барқарор ривожланишга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биз мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни — самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ белгилаб олишимиз ва уни қатъий амалга оширишимиз лозим.

Ислохотларимизнинг таъсирчанлиги ва бардавомлигини таъминлаш учун йўлимизда учраши мумкин бўлган барча хавфхатар, тўсик ва говларни ҳисобга олишимиз ва улардан талафотсиз ўтиш чораларини кўришимиз зарур.

Барчамиз биргаликда келажакка ишонч билан интилиб, бутун диққат-эътиборимизни олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга қаратишимиз, халқимиз кутаётган, даврининг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришимиз лозим.

Биз ўтмишдан, кечаги тарихимиздан, йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан зарур хулосалар чиқариб, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтиришимиз, Ватанимиз шухрати ва шон-шарафини ҳамма жаҳонларда муносиб ва мардона ҳимоя қилишимиз керак.

Нега деганда, бугунги кескин рақобат оламида кечаги мезон ва ёндашувлар билан ривожланиб бўлмайди. Бугунги замон — бу кечаги замон эмас.

Шу боис ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, ҳар қандай муаммони ақл билан, илм билан ҳал қилишимиз, турли синовларни халқимиз билан бамаслаҳат, оғир-вазмин бўлиб енгиб ўтишимиз керак.

Парламентимиз, ҳукуматимиз, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ўзларининг келгуси фаолиятларини мана шу омилларнинг барчасини инобатга олган ҳолда ташкил этишлари зарур.

Энди барча соҳа ва тармоқларда тизим ўзгаради, вазият ўзгаради, самарадорлик ўзгаради.

Биз сайловнинг эртаси кунiek белгилаб олинган улкан мақсадларни амалга ошириш бўйича қатъий ҳаракатларни бошладик. Чунки вақт, ҳаёт бизни кутиб турмайди. Даврининг ўзи барчамизни тезкор бўлишга, керак бўлса, вақтдан ўзиб ишлашга ундамоқда.

Кимки "Сайлов ўтди — сафарбарлик тугади", деб ўйласа, хато қилади. Ҳақиқий сафарбарлик энди бошланади. Чунки халқимиз бизга ишониб топширган катта-катта режа ва дастурларни ўзимиз бажармасак, айтинг, четдан ким келиб бажариб беради?

Келгуси етти йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик мақсадларга эришиш учун бизда барча куч ва имкониятлар бор.

Қудратли халқимизга таяниб, ақлзаковатимиз, билим ва тажрибамизни ишга солиб, ислохотларимиз суръати ва самарасини янада оширамиз, ҳеч қачон сусайтирмаймиз. Қанчалик қийин ва машаққатли бўлмасин, танлаган йўлимиздан ортга қайтмаймиз.

“Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажақ пойдевори” деган шior бугундан бошлаб ҳаётимиз қондасига, ҳар қайси раҳбарнинг, барча халқ ноиблари, вазир ва ҳокимларнинг кундалик фаолият дастурига айланиши шарт.

Хурматли депутат ва сенаторлар!

Янгиланган Конституциямизда муҳрланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш келгуси фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Сайловчилар билан бўлган барча учрашувларда мен ҳаётимизни яхшилаш, уни ҳар томонлама эркинлаштириш ҳақида одамларимизнинг жуда қўплаб фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва талаблари билан яқиндан танишдим. Уларнинг

асосий қисми биз ишлаб чиқаётган тараққийёт дастуридан албатта ўрин олади.

Шу мақсадда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий базани янгилаш бўйича олдимизда кенг қўлмали ишлар турганини сизлар албатта яхши тасаввур қиласиз. Яъни қандай янги қонунларни қабул қилиш, қайси қонун ҳужжатларини ўзгартириш кераклигини сизлар ҳаммадан кўра яхши биласиз. Чунки сизлар эл-юртимиз ишонч билдирган, қонуний ваколат берган халқ вакилларисиз.

Қонунчилик ва ижро ҳокимиятини тақомиллаштириш, ихчам ва самарали бошқарув тизимини ташкил этишда биз сизларга, сизларнинг бой тажрибангиз, билим ва салоҳиятингизга, фидойилик фазилатларингизга таянамиз.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилганидек, жонаҳон Ўзбекистонимизни миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаромиз тинч ва эркин, бахтли ва фаровон яшайдиган ижтимоий давлатга айлантирамиз. Жумладан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-joyлар қуриш, аҳолини ичимлик суви, энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш бўйича белгилаб олган вазифаларни албатта бажарамиз.

Биз учун Ватан рамзи бўлган маҳалла тизимини барча ислохотларимизда марказий ва хал қилувчи бўғинга айлантирамиз.

Тадбиркорлик учун янада қулай имкониятлар яратиб, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини ошириш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолининг эхтиёжманд қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт билан бирга аждодаларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.

Сайловолди учрашувларида миллий ўзлигимиз ва эзгу қадриятларимизни асраб-авайлаш, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш бўйича белгилаб олган вазифаларни сизлар билан, кенг жамоатчилик билан биргаликда амалга оширамиз.

Ўзбекистонда барча сиёсий ҳуқуқлар қатрида виждон ва эътиқод эркинлиги қафолатлари сўзсиз таъминланади.

Биз демократия ва очиклик сиёсатини изчил давом эттириб, конструктив муҳолифат фаолиятини, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини қафолатлаймиз.

Ўзбекистон фуқаролари дунёнинг қайси ўлкаси ёки минтақасида бўлмасин, қонунларимиз ҳимоясида бўлади. Чет элдаги ватандошларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлаймиз.

Кадрли ватандошлар!

Сайловолди учрашувларида ҳар бир ҳудуддаги энг долзарб масала билан боғлиқ устувор йўналишларни муҳокама қилиб олганимиз, албатта, бежиз эмас.

Мақсад — марказий вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилиқни ана шу муаммолар ичига чуқурроқ олиб кириш, ҳар бир ҳудуд бўйича ечимларни аниқ-аниқ кўрсатиб бериш эди.

Энди ҳукумат ҳам, вазирлик ва идоралар ҳам, маҳаллий ҳокимликлар ҳам ана шу йўналишлар бўйича ишлайди. Мақсад — аниқ, вазифа — аниқ, амалга ошириладиган лойиҳалар — аниқ, зарур маблағлар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган.

Одамлар энди биздан янги амалий ишларни кутяпти. Миллионлаб инсонлар — ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз бугун бизга умид ва ишонч билан кўз тикиб турибди. Ана шундай умид ва ишонччи оқлаш, эришган ютуқларимизни янги натижалар билан мустаҳкамлаш бизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланиши шарт.

Барча бўғиндаги раҳбарларга чиройли, баландпарвоз гапига қараб эмас, фаолиятининг аниқ натижасига қараб баҳо берамиз.

Қонунларни, одамларни менсимайдиган, уларга қўпол муносабатда бўладиган, бюрократия ва коррупция балосига берилган ҳар қандай раҳбар билан — у вазир ёки ҳоким бўладими, бошқа масъул вазифадаги амалдор бўладими — салбий ҳаракатлари билан давлат обрўсига путур етказаятган бундай кишилар билан узил-кесил хайрлашамиз. Уларнинг ўрнига билимли, Ватан ва халқ ташвиши билан яшайдиган ёш-ёш йигит-қизларни кўямиз.

Мана, сафимизга юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиган, йи-

рик компанияларда ишлаган қанча-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тимсолида, аввало, эртанги кунимизнинг янги раҳбарларини, ҳудуд, тармок ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларини кўраман.

Иқтисодиёт соҳасида ҳам туб бурилишларни амалга оширамиз. “Яшил иқтисодиёт”, “яшил энергия” тамойилларини янада кенг жорий этамиз. Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестициялар ҳажмини бир неча баробар оширамиз.

Биз 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини 160 миллиард долларга етказишдек жуда катта марра олдик. Бунга эришиш албатта осон бўлмайди. Лекин бу йўлда аниқ ҳисоб-китобларимиз, реал имкониятларимиз бор. Табиий бойликларимиз, меҳнат ресурсларимиз, интеллектуал ва маънавий салоҳиятимиз, ш тажрибамиз етарли.

Мен Ўзбекистон ёшларига яна бир бор мурожаат қилмоқчиман: азиз ўғил-қизларим, бугун тарихнинг ўзи, замоннинг ўзи сизларнинг олдингизда беқиёс имкониятлар очмоқда.

Эл-юрт қорига аввало ким ярайди?

Албатта, сизлар!

Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс-ни ким барпо этади?

Албатта, сизлар!

Юртимиз, халқимизни келажақда ким рози қилади?

Албатта, сизлар!

Халқимиз, Ватанимиз сизларга ишонади.

Сизлар Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган буюк ишларни амалга оширишга қодирсиз.

Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчиланг! Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етинг! Дунёга ўз сўзингизни айтинг!

Изланиш ва интилишдан асло тўхтаманг!

Бахт ва омад доимо сизларга ёр бўлсин!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш бундан буён ҳам биз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Биз, ҳеч шубҳасиз, экологик мувозанат, мусаффо ҳаво, тоза сув, безавол табиат тарафдоримиз. Бу масала биз учун бошқаларга қараганда ниҳоятда долзарб ва муҳимдир. Нега деганда, биз дунёдаги энг катта экологик офат — Орол фожиясини бевосита ўз бошидан кечираётган халқимиз. Шунинг учун ҳозирги вақтда республикамизда бебаҳо экологик тизимни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўлмали дастурлар, жумладан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Биз келгусида бу ишларни янада жадал давом эттирамиз.

Янги қуриладиган саноат корхоналари лойиҳаларида бу масала бўйича қаттиқ назорат ўрнатилади. Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш учун ҳам барча зарур чора-тадбирларни кўра-миз.

Айни пайтда биз фақат деҳқончилик билан кун кўрадиган мамлакат бўлиб қолмаслигимиз керак. Биз атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда ишлаб чиқариш индустрияси кучли даражада ривожланган давлатга айланишимиз зарур.

Мамлакатимизда бугун мавжуд бўлган саноат салоҳияти, очик айтиш керак, дунёдаги кўпгина давлатларда йўқ. Биз мана шундай ноёб салоҳиятимизни янада ривожлантириш, юртимизни қудратли индустрия маконига, юқори технологиялар, инновациялар, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий мамлакатга айлантириш бўйича катта-катта дастурлар қабул қилганмиз ва уларни, албатта, амалга оширамиз.

Биз нафақат моҳир пахтакор ва боғ-бонлар ўлкаси, балки IT бўйича юқори малакали мутахассислар, инженер ва энергетиклар, қончи ва металлурглар, физик ва кимёгарлар мамлақати бўлишимиз керак.

Кадрли ватандошлар!

Ўзбекистонимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари кўп. Лекин бизнинг энг катта қучимиз, бебаҳо бойлигимиз бу — ягона, аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли халқимиз.

Бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Барчамиз миллатимиз, тилимиз ва динимиздан қатъи назар, дунёмиз, эл-юртимиз тинч бўлсин, Ўзбекистонимиз обод ва фаровон бўлсин, фарзанд ва невараларимиз соғлом бўлиб, замонавий билим ва касб-хунар эгаллаб, ҳаётда ўз ўрни ва бахтини топсин, деган эзгу ният билан яшаймиз.

Биз мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларига ўз тили, маданияти, урф-одат ва қадриятларини ривожлантиришлари учун зарур шароит яратиб беришни изчил давом эттирамиз.

Ишончим қомил, азалдан дўстлик ва ҳамжихатлик маскани сифатида шухрат қозониб келган Ўзбекистон замини бун-

дан буён ҳам чинакам инсонпарварлик ва бағрикенглик диёри бўлиб қолади.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳозирги таҳликали замонда юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли қафолати бўлган Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш устувор вазифамиздир. Шу мақсадда биз миллий армиямиз қудратини, аскар ва офицерларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини қучайтиришга эътиборни янада оширамиз.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-joy билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун қўшимча чора-тадбирларни кўрамиз.

Биз чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги ҳаракатларимизни изчил давом эттирамиз.

Аввало, минтақамиз мамлакатлари билан яқин дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада қучайтириш асосий мақсадимиз бўлади.

Дунёнинг узок-яқин давлатлари билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берамиз.

Яқин қўшнимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осийишта ҳаётни тиклаш учун афғон халқига қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатамиз. Ушбу мамлакат билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдормиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, Парламентлараро Иттифок, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислom ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро минтақавий ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар билан кўп томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарамиз.

Азиз ва қадрли юртдошларим!

Биз сизлар билан, бутун халқимиз билан биргаликда тарихан қисқа даврда, бошимизга тушган қийинчилик ва машаққатлар, пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамасдан, улкан тараққийёт йўлини босиб ўтдик.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси, ҳаётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари тубдан ўзгармоқда. Халқимиз биз орзу қилган ўзгаришларнинг дастлабки мева-ларидан баҳраманд бўлмоқда.

Донишмандлар айтганларидек, олға юришни ўйлаган инсон учун кўркув, иккиланиш, шубҳа ва гумон — энг катта душман.

Биз дадил олдинга интилиб, кўркув ва ҳадиқдан халос бўлдик. Дунё бизга очилди ва биз дунёга очилдик. Жаҳонда қанча-қанча дўст ва ҳамкорлар орттирдик. Юксак иродамиз, қатъий саъй-ҳаракатларимиз билан яна бунёдкор халқ, бунёдкор миллат бўлиб майдонга чиқдик.

Мен сайловолди учрашувларида халқимиз вакиллари билан чин дилдан мулоқот қилиб, бу ҳақиқатга тўла ишонч ҳосил қилдим. Одамларимиз катта мақсадларга интилишдан, ташаббус кўрсатишдан, янгилек яратишдан қўрқмаппти. Аксинча, бундан завқ ва илҳом олиб, янада фаол ишляпти.

Халқимизнинг онги, дунёқарashi ўзгаргани, унинг қалбига ўзига, эртанги кунга ишонч пайдо бўлгани — бу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига, албатта, етади. Мана шундай улугъ эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, уни ёруғ манзиллар сари бошлаш мен учун улкан бахт, улкан шарафдир.

Ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк мақсад — Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ЛАВОЗИМИГА КИРИШДИ

◀ 1 Ўзбекистоннинг энг катта кучи ахил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли халқи экани, юртимиз бундан буюн ҳам чинакам инсонпарварлик ва бағрикенглик диёри бўлиб қолиши таъкидланди.

Чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги ҳаракатлар

изчил давом эттирилади. Аввало, минтақамиз мамлакатлари, ҳамкор давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар янги босқичга кўтарилади. Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув таъминлигининг олдини олиш ҳам долзарб вазифа бўлади.

Президент халқимизнинг дунёқараши юксалгани, одамлар катта мақсадларга

интилиб, эртанги кунга ишонч билан яшаётгани энг катта ютуқ эканини таъкидлади.

Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади.

— Мана шундай улугъ эътиқод билан

яшаётган халққа раҳбар бўлиб, уни ёруғ манзиллар сари бошлаш мен учун улкан бахт, улкан шарафдир. Ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк мақсад — Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида сизлар билан, бутун халқимиз билан бирга тимсиз ишлашга, бор куч-ғайратим, би-

лим ва салоҳиятимни сафарбар этишга тайёрман, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз мадҳияси ижро этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси якунланди.

ЎЗА.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — БУ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ШАРАФ ҲИСОБЛАНАДИГАН МАМЛАКАТ

14 июль куни бўлиб ўтган янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи халқаро экспертлар доиралари ўртасида ҳам ўзининг катта акс садосини берди.

Бахарудин ЗУЛКИФЛИ, Сингапурнинг Ўзбекистондаги элчиси (қароргоҳи Сингапурда):



— Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг инаугурация маросимини катта қизиқиш билан томоша қилдим.

Шуни таъкидлашни истардимки, Шавкат Мирзиёев ўз фаолияти давомида 2016 йилдан буюн ташқи сиёсатга пухта ўйланган ва илгор ёндашувни намойиш этиб келмоқдаки, бу Сингапурнинг глобал ўзаро алоқадорлик ва жаҳон миқёсида ўзаро боғланганлик тўғрисидаги тасаввурига ҳамоҳангдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг ақин ва узоқ хориждаги мамлакатлар билан муносабатларни чуқурлаштириш ва диверсификация қилишга содиқлиги ҳам мамлакатнинг кўп қиррали ўзаро манфаатли муносабатларини янада чуқурлаштириш истиғини ўзида ифода этишини алоҳида таъкидлаш керак. Ишонамизки, бундай садоқат

ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушуниш ва фаровонлик кўприklarини барпо қилишга қўмаклашди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг иқтисодий дипломатия сиёсатини илгари суришдаги прагматик ёндашувини алоҳида урғулашни истар эдим. Бу, айниқса, сиёсат ва иқтисодиётнинг кесишуви тобора мураккаблашиб бораётган ва ўзаро боғланганлик давримизда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий дипломатияга алоҳида эътибор қаратиш Ўзбекистоннинг нафақат бизнес учун очиқ бўлишини, балки барқарор иқтисодий ривожланиш ва ўсиш учун шароит яратишга фалол хисса қўшиш ҳамда халқаро майдондаги сиёсий таъсирини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини кафолатлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон бундан кейин ҳам гуллаб-яшнашига ҳамда жаҳон майдонида муҳим ўрин тутишига ишончим комил. Шу билан бирга, Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланиши ва кенгайишини кутиб қоламиз.

Каррем КАССИМ, Малайзия Стратегик ва халқаро тадқиқотлар институтининг эксперти:



— Мен янги сайланган Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ҳукумати кейинги 7 йил бажариши режаларини стратегик мақсадлари мамлакат халқи ва халқаро ҳамжамиятнинг эътиборига ҳавола қилинган илк нутқини диққат билан ўқиб чиқдим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон янги даврга қадам қўймоқда. Мен яқинда Малайзиядан борган халқаро кузатувчилар делегацияси таркибида гўзал Ўзбекистонда бўлиб, республикада амалга ошири-

лаётган улкан ўзгаришлар ва ислохотларнинг гувоҳи бўлдим.

Қувонарли жиҳати шундаки, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда бошланган ва инсон манфаатларини таъминлашга асосланган “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришга содиқдир.

Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда коррупцияга бамоман барҳам бериш борасидаги ёндашуви алоҳида эътиборга сазовордир. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистоннинг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги делегациясининг жорий ҳафта Куала-Лумпурга сафари Малайзияда катта қизиқиш уйғотди.

Давлат харидлари, тен-

мида янгиланган Асосий Қонуннинг қабул қилингани Ўзбекистон ўзи танлаган ва мамлакат раҳбари етакчилигида сўнгги йиллар давомида ишонч билан олиб борилаётган сиёсий йўлнинг халқ томонидан яқдиллик билан

Ирфан ХАТТАТЎҒЛУ, Туркия Мустақил саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси (MÜSIAD) вакили, ҳуқуқшунос ва журналист:

— Буюк Ўзбекистон халқи аслида ўз мамлакатаи манфаатларини жаҳон миқёсида химоя қиладиган ва илгари сурадиган кучли етакчи бўлган инсонни танлади.

Шавкат Мирзиёев 2016 йили Президентликка сайлангандан кейин мамлакат ўз ривожланишининг янги даврига кирди ва халқаро ҳамжамият унинг кўп асрлик тарихи ҳамда маданияти билан янада чуқурроқ танишишга муваффақ бўлди.

Унинг давлатдаги асосий муаммоларни ҳал қилиш ва ижобий иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишдаги инқилобий муваффақиятларини ҳам таъкидлаш лозим. Президентнинг инаугурация маросимида “Олдимизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш



ва улкан ўзгаришлар даври бўлади”, деган сўзлари унинг сиёсий ислохотларни янада ғайрат ва шижоат билан давом эттиражигидан далолат беради.

Давлат раҳбари дунёда рўй бераётган қуролли тўқнашувлардан тортиб икким ўзгариши муаммоларигача бўлган воқеликни аниқ-равшан тасвирлаб берди. У бугунги тез ўзгаришчан дунё тартиботини аниқ белгилар экан, “бугун дунё қандай шиддат билан, кескин ўзгариб бормоқда. Жаҳон миқёсида бир тарихий давр нихоясига етмоқда”, деди. Дарҳақиқат, бу-

Го ФЭНЧЖИ, МДХ мамлакатлари билан халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Гуандун иттифоқининг бош қотиби (ХХР):



— Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш мен учун катта шараф бўлди.

Ўзбекистондаги ҳамкасбларимнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши билан олтинга сайлов устаксидида бўлиб, сайловчиларнинг рўйхатга олиниши ва овоз беришини ҳамда бутун сайлов жараёнини кузатдим.

Ўйлайманки, ушбу сайлов юқори савияда, жуда уюш-

ган, очиқ ва ошкоралик муҳитида ўтди. Мазкур сиёсий тадбир давомида халқ ўзининг ишонган раҳбарини сайлаши, сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча зарур кафолатлар берилганига гувоҳ бўлдим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси сайланган Президентининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросими ва Шавкат Мирзиёевнинг нутқи бутун мамлакат бўйлаб ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича белгилаб берилган аниқ чоралар тадбирлар яқин 5 — 7 йил ичида Ўзбекистон ўз мақсадларига эришиши нуктаи



Казим НИЁЗ, Покистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари:

— 14 июль куни янги сайланган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимидаги нутқини иштиёқ билан тингладим.

Мазкур дастуриламал нутқда мамлакат иқтисодиётини халқаро иқтисодий муносабатларга янада интеграциялаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик сиёсатини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев бундан олдинги Президентлик даврида Марказий Осиё, сўнгра Жанубий Осиё мамлакатлари билан стратегик алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан мисли

назаридан менинг ишончимни янада мустаҳкамлади. 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш ҳамда халқ фаровонлигини сезиларли даражада ошириш ана шундай эзгу вазифалар сирасига кириши, шубҳасиз, катта эътиборга сазовордир.

Янги сайланган Президентни самимий қутлар эканман, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарлигига сайлангани, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг келгуси барқарорлиги ва равнақи учун катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Ишончим комилки, келажда ҳам Ўзбекистоннинг Хитой билан ва хусусан, Гуандун ҳамда мамлакатимизнинг бошқа Жанубий вилоятлари билан ўзаро алоқалари таълим, иқтисодиёт, саноат, савдо ва сайёҳлик соҳаларида янада катта муваффақиятларни забт этади.

қўрилмаган муваффақиятларга эришди.

Бугун Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида Афғонистон ва Покистон билан ўзаро боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини, иқтисодий ва гуманитар ёрдамни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлагани бизни қувонтирди.

Покистон ҳукумати ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан фаол иш олиб боришга тайёр.

Ишончим комилки, мамлакат ўз раҳбари раҳнамолигида иқтисодий салоҳиятини, молиявий кудратини, ижтимоий, сиёсий ва молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашда давом этади, минтақавий ва халқаро миқёсда янгидан-янги марраларни эгаллайди.

«Дунё» АА.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Маълумки, Ўзбекистон бутун дунё, нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар томонидан иқтисодиёти тез суръатда ўсиб бораётган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Чиндан ҳам, юртимиз сўнгги йилларда иқтисодиёти кескин ўзгарган, либераллашган давлатлардан бирига айланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ йил сайин ортмоқда. Хорижий инвестициялар қўлами кенгайиб, тадбиркорларга имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.



Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам жадал давом эттирилади. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев кеча бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисида ҳамда сайловолди ҳуудларда ўтказган учрашувларида ушбу масалага аҳамият қаратиб, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслиқни, келгусида янги марраларни забт этиш кераклигига алоҳида урғу берди.

Хусусан, 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробар кўпайтириб, 160 миллиард долларга етказиш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги 2 минг 200 доллардан 4 минг долларга ошириш асосий стратегик мақсадларимиздан бири бўлади.

Аввало, илгор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш ва бу орқали меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш юзасидан зарур чоралар кўрилади. Айни чоғда 2030 йилгача юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқаришини 3,5 баробар, олтинни 1,5 карра, кумушни 3 марта, урани 3 баро-

бар ошириш учун бор имкониятлар ишга солинади.

Автомобилсозлик соҳасида ҳақиқий рақобат пайдо бўлиши учун 4 та нуфузли хорижий компаниянинг лойиҳаларини ишга тушириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини йилга 1 миллион донага етказиш ҳам асосий устувор вазифаларимиздан саналади. Бунда йилга 300 мингта электромобиль ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Саноатда қўшилган қиймат ҳажми 20 миллиард доллардан 45 миллиард долларга етказилиши учун барча шароит яратилади. Бутун дунёда тез ривожланаётган “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кенгайтирилади. 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари ҳажмини 25 минг мегаваттга, улар улушини ҳозирги 14 фоиздан 40 фоизга етказишга алоҳида аҳамият берилади.

2024 йилдан бошлаб саноатда “яшил сертификат”лар бозори яратилади.

Иқтисодиётда энергия самардорлигини 2 карра ошириб, 2030 йилга бориб 50 миллиард киловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқариш учун зарур шароитлар яратилади. Бунда 10 минг километр магистраль ва 110 минг километр ҳудудий электр тармоқларини барпо этиш режалаштирилиб, аниқ дастурлар асосида амалга оширилади.

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

ИЛFOR FOЯ ВА ТАШАББУСЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқи халқимиз, Ватанимиз ҳаётидаги энг ёрқин тарихий воқеалардан бири бўлди.

Нега десангиз, ушбу тантанали маросимда мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси, юртимиздаги жараёнларга оид чуқур таҳлилга асосланган серқирра мулоҳазалар илгари сурилди. Нутқ жамиятимиз, давлатимиз ривожланишининг янги мафқурасини белгилади, десак, асло муболага бўлмайди.



Таъкидлаш жоиз, 2023 йилда муддатидан илгари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ички сиёсий ривожланиш ва ташқи сиёсий вазифаларни бажариш учун мутлақо янги шарт-шароитлар яратиб берди. Чунончи, сайлов ҳам янгиланган Конституциямиз асосида ўзгача муҳитда ўтди. Сайловнинг асосий натижаси аксарият аҳолининг мисли қўрилмаган юксак сиёсий фаоллигида ва Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган янгиланган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашда намоён бўлди.

Сайлов жамиятнинг жипслаштириш, мамлакат барқарорлиги ва юрт тараққиётини таъминлаш омилгига айланди. Бу Ўзбекистонда демократик ислохотларни нафақат давом эттириш, балки чуқурлаштириш учун ҳам зарур шарт-шароит яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ислохотлар, биринчи навбатда, ёш авлодга қаратилди. Ёш авлод таълим тизимида, меҳнат бозорини рўй берган ўзгаришларни ва лавозимда қўтарилиш имкониятларини

амалда ҳис этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ёшларга мурожаат қилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ёшлар — мамлакатнинг локомotive, ҳаракатлантирувчи кучидир.

Президент халқимизнинг юксак ишончи барчамиздан — депутат ва сенаторлар, вазир ва халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юрtdошимиздан белимишни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч карра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этишини таъкидлади. Чиндан ҳам кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониктирмаслиги керак. Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар зарур.

Нутқда парламентнинг жамиятда тутган ўрни ва таъсирини ошириш ҳақида концептуал характерга эга бўлган теран фикрлар баён этилди. Энг муҳим масалалар қаторида парламент назоратини кучайтириш вазифаси қўйилди. Бу эса, биз — депутатларнинг ҳукумат идоралари ишини, шу жумладан, миллий қонунларни ижро этиш ва халқаро мажбуриятларни имплементация қилиш билан боғлиқ фаолияти юзасидан мунтазам мониторинг юритиш ва унга тўғри баҳо бериш масъулиятини кучайтирди.

Шундай экан, биз ҳам белгилаб олинган устувор вазифаларни амалга оширишда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Диплом ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Акс садо

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИ
ДУНЁ ТАЖРИБАСИ
АСОСИДА ЯНГИЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кеча бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги нутқида мамлакатимизнинг келгуси 7 йилдаги стратегик режа ва мақсадлари, устувор йўналишларда амалга оширилиши кутилаётган чоратadbирлар юзасидан аниқ мақсад ва вазифалар хусусида сўз юритди.

Хусусан, таълим тизимида истиқболдаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилди. Чиндан ҳам, бугун ис- таймизми-йўқми, таъ- лим-тарбия соҳасини дунё тажрибаси асоси- да кескин ўзгартириш- ни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу маънода, қўшма мажлисда Президент томонидан келгуси етти йилда мактабларда қўшимча 2,5 миллион ўқувчи ўрнини яратиш, таълим сифатини тубдан яхшилаш масаласига алоҳида ургу берилди. Бу нима билан боғлиқ? Аввало, шуни айтиш керакки, таълимнинг асосий ўқ илдизи умумий ўрта таълим билан чамбарчас боғлиқ. Таълим тизимида жиддий ўзгаришларни амалга оширолмади бўлган ҳар қандай давлат янгиланишларни ўрта таълимдан бошлайди.

Яна бир аҳамиятга молик масала — бу соҳада хусусий таълим ташкилотларининг кириб келиши билан боғлиқ. Бир пайтлар хусусий таълим тушунчаси бизга мутлақо бегона эди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз. Энди-чи? Сўнгги 5-6 йил ичида давлатимиз томонидан соҳага қўшимча енгилликлар берилиб, таълим тизимида хусусий ва давлат-хусусий шериклик тамойили асосида мактаблар қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳадаги ишлар келгуси йилларда ҳам изчил давом эттирилиб, хусусий таълимга қўшимча енгилликлар яратилди ва давлат-хусусий шериклик тамойили асосида барпо қилинишига алоҳида аҳамият берилди.

Учинчи масала, таълим жараёнининг трансформацияси билан боғлиқ. Яъни ҳар қандай таълим тизими замонга ҳамнафас бўлмас экан, рақобатбардошлигини йўқотади. Бу борада Президентимиз нутқида ҳам алоҳида чоралар белгиланганлиги таъкидланди. Хусусан, бошланғич синф ўқувчиларини келгусида давлат томонидан таълим планшетлари билан тўлқ таъминлаш учун зарур молиявий имкониятлар яратилиши диққатга сазовор.

Бундан ташқари, чекка ҳудудларда бепул мактаб автобуслари йўлга қўйилиши ҳам алоҳида қайд этилди. Бу ташаббуслар таълим тизимини янада юксалтиришга хизмат қилади. Умуман олганда, бугун дунё давлатлари орасида Ўзбекистон таълим соҳасида прогрессив ислохотларни амалга ошираётганлар қаторида турибди, десак, муболага эмас. Чунки мамлакатимизда янги Ўзбекистоннинг мустақкам пойдеворини қуришга астойдил бел боғланган. Ва бу ишларнинг муаллифи, ташаббускори ва ғоявий илҳомлангувчиси сўзсиз Президент Шавкат Мирзиёев ҳисобланади.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси раиси.

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК —
ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси йилига 2 фоизга ўсмоқда. Ва 2030 йилга бориб 40 миллионга етиши кутилаётир. Бундай катта давлатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халққа муносиб шароит яратиш учун иқтисодиёт ҳам, бошқарув ҳам, таълим ва тиббиёт ҳам янгича бўлиши, барча соҳада ўсиш, ривожланиш бўлиши керак.

Кеча бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисида Президент сўзга чиқиб, Янги Ўзбекистон, бу — аввало, инсон қадри улуғланган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имконият яратилган мамлакат эканлигини қатъий таъкидлади.

Дарҳақиқат, республика- мизда халқимиз бугун ҳаёт- дан рози бўлиб яшаши учун барча имконият яхши солин- моқда. Улар хоҳиш-истаги қонунчиликда белгиланган нормалар асосида амалга оширилмоқда.

Президентимиз сайловол- ди дастурида ҳам, жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларда ҳам кел- гусида аҳолимиз ҳаётини яна- да яхшилашга хизмат қилув-

чи кўплаб вазифаларга тўхталган эди.

Улар қаторида сўз эркин- лигини мустақкамлаш, халқ хизматидаги давлат бошқару- вини ташкил этиш, давлат органларида очиклик ва қонун устуворлигини таъмин- лаш масалаларига тўхталган айни мuddaодир.

Қўшма мажлисда ҳам ушбу масала яна бир бор тилга олинди. Хусусан, давлат раҳбари очиклик сиё- сатини изчил давом эттириб, оммавий ахборот воситала- ри фаолиятининг эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлари қатъий қафолатлишини қайд этди. Янгиланган Конс- титуциямизда ҳам бу борада нормалар мустақкамлаб қўйилган.

Бу, албатта, бежиз эмас.



Чунки очиклик ва ошкоралик — жамият ва давлат тарақ- қиётининг муҳим омиллари- дан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда бу бора- да кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ҳозирги кунга келиб юртимизда 2 140 та ёки 2016 йилдагига нисба- тан 626 та кўп оммавий ах- борот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фои- зи нодавлат медиа восита- лари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Аънавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчилар омма-

сини тобора кўпроқ ўзига жалб қилаётганини қайд этиш лозим.

Давлат идоралари ва ма- ҳаллий ҳокимликлар таркиби- да ахборот хизматлари йўлга қўйилгани халқ билан муло- қотни кучайтиришга сезилар- ли таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда Сенатда қўми- тамиз томонидан ҳам муай- ян ишлар амалга оширилаёт- ганлигини таъкидламоқчи- миз. Сенат ҳудудлар манфа- атидан келиб чиқиб иш олиб боргани боис, мунтазам ра- вишда жойларда сайловчи- лар, фуқаролар билан учра- шиб, бу йўналишда уларни қийнаётган муаммоларни ўрганади, парламент назо- ратига олади.

Муҳими, бўлиб ўтган ма- росимда давлат раҳбари эътибор қаратган кўплаб ма- салалар орқали халқимизнинг қатор муаммоларига ечим то- пилади.

Фарҳод БОҚИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ахборот сиёсати ва давлат
органларида очиклигини
таъминлаш масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари.

ҲАР БИР КУН — БУ ИМКОНИЯТ,
КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Шу йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мuddатидан илгари бўлиб ўтган сайловда халқимиз яна бир бор ўзининг сиёсий эрозасини кўрсатди. Амалдаги Президентнинг олиб бораётган сиёсати элимиз томонидан қўллаб-қувватланди ва унга юксак ишонч билдирилди.

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентликка сайланган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республи- каси Конституциясининг 108-моддаси ва Сайлов кодексининг 65-моддасига асо- сан қасамёд қабул қилди ва ўз лавози- миغا киришди.

Агар қасамёд матнига эътибор қаратсак, унда шундай дейилади: “Ўзбекистон халқ- ига сadoқат билан хизмат қилишга, респуб- ликанинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқла- ри ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зим- масига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан”.

Эътибор берилса, ўта масъулият талаб этадиган бу сўзлар замирида яқиндагина референдум орқали қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизда давлатнинг уч маротаба оширилган мажбуриятлари- ни ўз зиммасига олиш ва фуқаролари- мизнинг уч ярим мартага оширилган ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлашдек зал- варли вазифалар ётибди.



Тантанали маросимда Президентимиз парламент олдидан турган вазифалар ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишла- рига бағишланган нутқ сўзлади.

Унда янги тахрирда қабул қилинган Конс- титуциямизга мос қонунлар қабул қилиш- ни, амалдагиларига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тезлаштириш, ин- сон қадри устувор бўлган жамият ва халқ- парвар давлат қуриш йўлида халқимиз ку- таётган ва давр талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, ҳар бир

имкониятдан самарали фойдаланиш, тез- кор бўлиш ва вақтдан ўзиб ишлашга ҳара- кат қилиш, пировардда “Ҳар бир кун бу — имконият, ҳар бир кун бу — келажак пойдевори” шиори мазмунини теран англаган ҳолда ишлаш устуворлик касб этиши зарурлиги таъкидланди.

Донишмандлар айтганидек, “олға юришни истаган инсоннинг энг катта душмани — кўрқув, иккиланиш, шубҳа ва гумондир”, деди Президент. Ҳақиқатан ҳам, олдимизга улкан вазифалар кўяр эканмиз, уларни адо этишда ҳеч бири- мизда кўрқув, иккиланиш, шубҳа ва гу- монлар бўлмаслиги керак.

Президентимизнинг ушбу таъбири ме- нинг халқ вакили сифатида келажакка ишон- чини — эришган ютуқларимиз янги нати- жалар билан мустақкамлашни йўлида пар- ламентда зиммамизга юкланган вазифалар- ни бажаришдаги масъулиятимизни юз чан- дон ошириб, десак, муболага бўлмайди.

Ишончм комилки, барчамиз халқи- миз ишонган Президентимизга елкадош бўлиб, Ватан ва эл-юрт манфаати йўли- да янада жипслашамиз ва инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатни биргаликда, албатта, қурамыз.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутаты.

АМАЛИЙ ВА КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР
ҲАЁТИМИЗНИ ТУБДАН ЯХШИЛАЙДИ

Мамлакатимизда мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови янгиланган Конституциямиз асосида, сиёсий фаоллик муҳитида бўлиб ўтди.

Гувоҳи бўлганимиздек, бу жараёнда халқимизнинг фаол иштирок этгани Ватан тақдири ва унинг келажакига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз кўплигини яққол намоён қилди.

Сайлов натижаларига кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал- демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчиларнинг 87,05 фоиз ови- зи билан Ўзбекистон Республи- каси Президенти этиб сайланди. Ўз навбатида айтиш керак, “Мил- лий тикланиш” демократик партияси ҳам ЎзЛиДеПнинг ном- зодини маъқуллаб, қўллаб-қувват- лаган эди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республи- касининг сайланган Президенти ўз лавозимига киришишига ба- гишланган тантанали маросимда- ги нутқида Ўзбекистон янги даврга қадам қўяётгани, кейинги етти йил мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий- гуманитар соҳаларида туб бури- лиш ва улкан ўзгаришлар даври

бўлажаги таъкидланди. Бунинг учун янги ғоя ва ташаббуслар, аввалгидан-да кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлаш кераклиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, давр шиддат би- лан ўзгариб бормоқда. Кечаги Ўзбекистонни янги Ўзбекистон билан қиёслаб бўлмайди. Халқи- мизнинг тафаккури, дунёқарashi, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутун- лай ўзгарган. Одамларимиз сиёсий жараёнлар, иқтисодий- ижтимоий ислохотлар шиддати- да анча тобланган, улар ҳар қачонгидан кўра сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан фаол, ўз фикрини бе- малол билдирмоқда.

Бугун жамоатчилик шу қадар фаолки, улар оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали энг долзарб муаммолар ечими бўйича асосли таклифлар- ни бера олиш даражасига етди. Бу эса аввалгидек баландпарвоз



ваъдалар билан эмас, балки даврнинг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари су- риш, амалий ишларимизни яна- да кўпайтириш орқали халқимиз- нинг кўнглига йўл топиш вақти келганини анигламоқда.

Президентимиз нутқида қайд этилганидек, биз ўтмишдан, ке- чаги тарихимиздан, йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан за- рур хулосалар чиқариб, Ўзбе- кистонимизнинг дунёдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириши- миз, Ватанимиз шухрати ва шон- шарафини ҳамма баҳбаларда му- носиб ва мардона ҳимоя қили- шимиз керак.

Давлатимиз раҳбари бугунги замон кечаги замон эмаслигига

ургу берар экан, парламент ва- киллари ҳам келгуси фаолияти- ни одамларимизнинг ўсиб бораёт- ган талаб ва истакларига жаво- бан қайта кўриб чиқиши зарур- лиги алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, депутат бўлиш, халқ ишончини қозониш ва уни муносиб равишда оқлаш осон иш эмас. Депутатлар халққа энг яқин одам бўлиши, доимо эл-юрт таш- виши билан яшаши, айни чоғда, катта билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Зотан, бугун за- моннинг ўзи барчамиздан, би- ринчи навбатда, биз, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг нафақат иш- тирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижросини бўлишни, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда.

Ўз фаолиятимизга четдан на- зар соладиган бўлсак, турли со- ҳалардаги қонунчиликни тако- миллаштириш, мавжуд қонунлар- нинг ижросини назорат қилиш юзасидан амалга ошираётган ишлар ва ташаббусларимиз сал- моғи ортган бўлса-да, буларни халқимизнинг ишончини тўла оқлаш учун етарлича деб айта олмаймиз. Демак, биз ҳам ўз

фаолиятимиз натижадорлиги бўйича стратегик қарашлари- мизни ўзгартиришимиз керак бўлади.

Хусусан, асосий муаллифи халқимиз бўлган янгиланган Конституциямиз қабул қилинган- нидан кейин амалдаги қонунла- римизни унга мувофиқлашти- риш борасида бошлаган ишла- римизни янада жадаллаштири- шимиз зарур. Бундан ташқари, сайловчилар билан учрашиб, уларни ўйлантираётган масала- ларни ҳал этиш бўйича Ҳукумат- га амалий ва конструктив так- лифларни бериш борасида фаолиятимизни янада жон- лантириш зарурати мавжуд.

Мухтасар айтганда, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил ва самара- ли амалга ошириш, уларнинг пи- ровард натижасини таъминлаш- даги барча масъулият ва жавоб- гарлик нафақат ихро органлари, балки парламент вакиллари зим- масига ҳам улкан масъулият юк- лашини юракдан ҳис қиладиган вақт келди.

Турсунно МУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

■ Хушхабар

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДА
ЖАЖЖИ ВАКИЛЛАРИМИЗ
ҒОЛИБ БЎЛДИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида ментал арифметика йўналиши бўйича ўтказилган “Бутунжаҳон WAMAS — 2023” халқаро олимпиадаси Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Янгичек маҳалласи аҳли, хусусан, ҳудуддаги “Асал билимдон болажон” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти жамоасига катта қувонч ҳада этди.



Боиси унда дунёнинг 30 дан ортқ давлатлари ва- киллари қатори м а з к у р МТТнинг икки тарбияланувчи- си — Довудхон Мусахонов ҳамда Темур- бек Мўминов фаол иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин олди.

Айтиш жоиз- ки, ёшларнинг мантикий, ижо- дий фикрлаш, фотографик хотирасини ривожлантириш ва мате- матика фанига қизиқишини ошириш мақсадлари- га қаратилган ментал арифметика бугунги кунда юртимизнинг ақсар мактабгача таълим ташкилот- ларини қамраб олган. Мутахассислар фикрига кўра, 5 дан 13 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган бу дастур инсон бош миёсининг ҳар икки яримшарини бирдек ривожлантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, уни эгаллаган ўғил- қизлар қўшиш, айириш, қўпайтириш ва бўлиш каби амалларни осонликча бажара олади.

Уйчилик жажжи менталчилар бoғчада олган са- бoқларини дадиллик билан намоиш этиб, олим- пиада шартларини муваффақиятли бажаришди. Яқунда ёш тоифаси бўйича Довудхон Мусахонов биринчи, Темурбек Мўминов эса иккинчи ўринга муносиб кўрилди.

Мусобақа залида Ўзбекистон байроғи кўтари- либ, мураббийлар, ота-оналар қўлида севинч ёшлари қалқди. Олис Туркияда бошланган қувонч ҳаяжонлари эса Уйчида давом этди. Куни кеча чемпионлар тарбияланаётган бoғчада ўтказилган тантанали тадбирда олимпиада ғолиблари Наман- ган вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бош- қармаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(“Халқ сўзи”).

МАШАҚҚАТЛИ
МЕҲНАТ
САМАРАСИ

Шу йилнинг 3 — 11 июль кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро биология олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 3 та бронза медални қўлга киритди.

Мазкур аънавий олимпиадада 80 мамлакатдан жами 310 нафар ўқувчи ўз билимларини синовдан ўтказди.

Мусобақада Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейининг 2-курс ўқувчиси Мухаммадиброҳим Эгамбердиев, Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Бехруз Турсунов, Когон туманидаги 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ғолибжон Шарифов муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олишди.

Очилиғини айтганда, баҳслар муросасиз, курашларга бой ўтди, — дейди халқаро фан олимпиадаси бронза медали соҳиби Мухаммадиброҳим Эгамбердиев. — Ҳеч ким мусобақаларга мағлуб бўламан, деб бормайди. Агар кимнинг билими кўпроқ, эҳзи ўқтирқор, ишончи мустақкамроқ бўлса, албатта, у ғолиб бўлади. Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган гамжўрлик, яратилаётган шарт-шароитлар кучимизга куч қўшиб, ўзимизга ишончини оширапти. Устозлардан ўзлаштирган билимлар, яқинларимизнинг қўллаб-қувватлови, меҳнатларимизнинг самараси бугун бизнинг совриндорлар қаторидан ўрин олишимизга замин бўлди. Келажакда ўз устимизда янада кўпроқ ишлаб, ўқиб-ўрганиб, олтин медалларга сазовор бўламыз ва юртимиз байроғини жаҳон ареналарида хилпиратамиз, деган умиддаман.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(“Халқ сўзи”).

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлигининг “ПООЛ” маркази бошлиғи ўринбосари Икром Аввалбоева падари бузуққувори ХОЛИГИТ ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.



Тахриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6